

# International Finance and Accounting

---

Volume 2020 | Issue 2

Article 13

---

4-1-2020

## CURRENT STATE OF INNOVATION IN PERSONAL INSURANCE AND PERSPECTIVES OF IMPROVEMENT

Sh. Islamov

*Tashkent Financial Institute*

R. Qodirov

*Tashkent Financial Institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Islamov, Sh. and Qodirov, R. (2020) "CURRENT STATE OF INNOVATION IN PERSONAL INSURANCE AND PERSPECTIVES OF IMPROVEMENT," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 13. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss2/13>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

**Исламов Ш. – мустақил тадқиқотчи  
Қодиров Р. – мустақил тадқиқотчи**

## **ШАХСИЙ СУҒУРТАДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ХОЛАТИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Мақолада суғурта хизматлари бозоридаги шахсий суғуртада инновациларнинг роли уларнинг суғурта компанияси фаолиятидаги тутган ўрни, инновацияларнинг ўзи уларнинг суғуртада классификацияси, суғурта компанияларининг инновацион суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиши билан боғлиқ бизнес жараётлари, инновацияларни жорий этишдаги муаммолар таҳлил қилингандек, таҳлиллардан келиб чиқиб шахсий суғурта турларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** шахсий суғурта, микросуғурта, суғурта маҳсулоти, инновация, суғуртада инновациялар, инновацион суғурта маҳсулотлари.

## **СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ИННОВАЦИЙ В ЛИЧНОМ СТРАХОВАНИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ**

В статье рассматриваются роль инновации в личном страховании на рынке страховых услуг, их роль в деятельности страховой компании, классификация инновации в страхование, виды деятельности страховых компаний связанные с разработкой инновационных страховых продуктов, анализ проблем внедрения инноваций а также даны научные и практические рекомендации по дальнейшему развитию личного страхования.

**Ключевые слова:** личное страхование, микрострахование, страховой продукт, инновации, инновации в страховании, инновационные страховые продукты.

## **CURRENT STATE OF INNOVATION IN PERSONAL INSURANCE AND PERSPECTIVES OF IMPROVEMENT**

The article discusses the role of innovation in personal insurance in the insurance market, their role in the activities of the insurance company, the classification of innovations in insurance, the types of activities of insurance companies related to the development of innovative insurance products, the analysis of the problems of introducing innovations, as well as scientific and practical recommendations for further development personal insurance.

**Key words:** personal insurance, micro insurance, insurance product, innovation, innovation in insurance, innovative insurance products.

### **Кириш**

Шахсий суғуртанинг асосий роли соғлиқни саклаш, фуқароларнинг ҳаёти ва меҳнат қобилиятини ошириш, рента тўловлари орқали пенсия микдорларини ошириш, аҳолини сифатли тиббий ёрдам билан таъминлаш ва ижтимоий масалаларини ҳал қилишга қаратилгандир. Ўз навбатида,

аҳолининг юқори даражадаги ижтимоий ҳимояси ҳукуматга бўлган ишончни оширишди, сиёсий ва ижтимоий вазиятни барқарорлаширишга ёрдам беради, бу эса шахсий суғуртанинг иқтисодиётдаги ролини белгилаб беради.

Бугунги кунда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан қўзланган пировард мақсад мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган, ана шундай иқтисодиёт тармоқларидан бири бу суғурта хизматлари соҳасидир. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” ишлаб чиқилган бўлиб, Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишарида суғурта соҳасини ривожлантириш юзасидан қўйидагилар белгилаб берилган:

– янги турлардаги суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳисобига уларнинг хажмини кенгайтириш ва сифатини ошириш, капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш.

Ҳозирги куда барча давлатлар иқтисодиётидаги инқироз, санкциялар ва салбий прогнозлар мавзусидаги баҳс ва мунозаралар давом этмоқда. Суғурта хизматлар бозори ҳам фаол муҳокама қилинмоқда, чунки унинг ривожланиши иқтисодиётга бевосита боғлиқ. Бироқ бу салбий оқибатлар, рецессиялар янги йўналишларда харакат қилиш ва соҳани ривожланиш учун имконият эканлигини унутмаслигимиз керак.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда шахсий суғурта турларининг кенг тарқалмаганлиги, шунингдек уларни янада ривожлантириш мақсадади инновацион шахсий суғурта турларини жорий этиш орқали уларнинг хизмат кўламини янада ошириш мумкин деб ҳисоблаймиз.

### **Мавзуга оид адабиётлар шархи**

Х.Шеннаев шахсий суғуртага қўйидагича таъриф берган, яъни шахсий суғурта – баҳтсиз ҳодисалар ёхуд табиий ҳодисалар рўй бериши оқибатида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигига шикаст етказилиши билан боғлиқ мулкий манфаатларини ҳимоялашага қаратилган суғуртанинг мустақил тармоғи. Шахсий суғурта фуқаролар бошига қулфат тушганда уларни моддий жиҳатдан кўллаб-қувватлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Шу маънода, шахсий суғурта ижтимоий ҳимоянинг ҳаётий тажрибада синалган ишончли шаклидир [1].

Е.Н. Великданъ миллий суғурта тизими аҳолини хусусан, шахсий суғурта ҳолатини муҳокама қилишда аҳолининг ўзи ва унинг шахсий суғурта муносабатларига бевосита дахлдор бўлган масалалари ҳам киради. Деярли ҳар доим шахсий суғурта соҳасининг ривожланмаганлигининг асосий сабаби аҳолининг тўлов қобилиятининг пастлиги ҳисобланади. Лекин бу соҳада бошқа кўплаб муаммолар ҳам мавжуд [2]:

- суғурта компанияларига бўлган ишончсизлик;

– аҳолининг суғурта маданиятининг етарли эмаслиги, жумладан, суғурталашнинг ўрни ва унинг ижтимоий ҳимоя воситасидаги ролини нотўғри тушиниш, маълумотларнинг камлиги ёки умуман йўқлиги;

– суғурта бозори инфратузилмасининг ривожланиш даражаси.

О.А.Воротилова умумий ҳолда, қўйидаги ҳолатлар ихтиёрий шахсий суғурта бозорининг ривожланишига тўсиқлик қилиб келмоқда: аҳолининг суғурта компанияларига ишончининг йўқлиги, мамлакат аҳолисининг аксарият қисми шахсий суғурта хизматларидан фойдалана олмайдилар сабаби тўлов қобилиятларининг пастлиги, шахсий суғуртани ривожланишига нокулай солик қоидалари тусқинлик қилиши, аслида эса улар суғурталанувчиларда суғурта хизматларига бўлган талабни шакллантиришга ёрдам бериши керак, компанияларининг суғурта хизматлари тўғрисидаги маълумотларни тарқатиш ва таништириш механизмларининг етишмаслиги бу эса уларнинг оммабоплигини таъминлашда муҳим аҳамият кассб этади, суғурта заҳираларини жойлаштириш учун ишончли инвестиция воситаларининг йўқли, минтақавий ёки худудий суғурта бозори инфратузилмасининг етарлича ривожланмаганлиги, суғурта соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш суст даражада олиб борилиши, шунингдек унда суғурталанувчиларнинг манфаатлари акс эттирилмаслиги [3].

Chrysovalantis Gaganisa ва бошқалар суғурта соҳасида инновацияларни жорий этишда кўп омилларни ҳисобга олиш кераклигини таъкидлаб ўтишган, масалан маълум бир мамлакатда жорий этилган янги суғута маҳсулотлари бошқа давлатларда яшаб қолиш қийин кечади. Суғуртада инновацияларни жорий этиш мамлакатнинг барча иқтисодий омиллари (иқтисодий ўсиш, қайта молиялаштириш ставкаси, суғуртанинг ривожланиш даражаси ва ҳуқуқий асослари) билан бирга ижтимоий ва сиёсий омилларини (суғурта маданияти, ҳалқнинг урф одатлари, диний келиб чиқиши, сиёсий омилларнинг ҳолати) ҳисобога олишни тақозо этади [4].

Darius Lakdawalla ва бошқалар шахсий суғурта соҳасида инновацияларнинг қўлланиши кўплаб ижобий натижаларни бериши мумкинлиги, жумладан суғурталашда инновациялар нафақат суғурта компанияси томонидан жорий этиладиган янги суғурта маҳсулотлари ёки сотиш каналларини ривожлантириш, балки мижознинг уларни қабул қилиши борасида тайёргарлик даражасига боғлиқлигига ҳам муҳим ҳисобланади [5].

H.B.Масленникова суғуртада инновацияларни жорий этишда қўплаб тадқиқотлар олиб борган. Бундай инновациялардан бири миркосуғурта турларини суғурта бозорига жорий этиш ҳисобланади. Шунингдек инновацияларни ривожлантиришда салбий ва ижобий таъсир кўрсатадиган омилларни аниқланган [6].

Basanta, K. Sahu микросуғурталашнинг ўзига хослиги унинг ижтимоий функцияларида ўз аксини топади, шунингдек унинг қўлланилиши жамиятга ижобий таъсир кўрсатади, яъни:

– кам даромадли аҳоли учун суғурта маҳсулотларини сотиб олиш учун молиявий тўсиқларни олиб ташлаш;

- кам таъминланган аҳоли сонининг қўпайишини чеклаш уларга суғурта ҳимоясини тақдим этиш;
- ижтимоий хавфларнинг салбий натижаларини камайтириш [7].

Microinsurance at Allianz Group тадқиқотлари ва ҳисоботларида қўплаб мамлакатлар микросуғурталашни ривожлантириш бизнес моделларини қабул қилган. Улардан баъзилари, масалан, Хитой давлат томонидан қўллаб-куватланадиган ва ҳукумат томонидан бошқариладиган моделни танлаган. Бошқалар, Жанубий Африка, Филиппин, Индонезия, Уганда, Бразилия бозор моделини танлаб янги истиқболли (микросуғурталаш) бозор учун курашишга тайёр хорижий суғурта компаниялари учун суғурта бозорларининг шаффоғлигини таъминлаган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Allianz, Zurich, Munich Re, Swiss Re ва бошқа йирик суғурта компаниялари микросуғурталаш фаолиятида фаол иштирок этиб келмоқда [8].

Хорижий мамлакатларда микромолиялаш, хусусан микросуғурталаш хизматларини қўрсатиш борасида катта тажриба мавжуд. Хорижий амалиётни ўрганиш ва Ўзбекистонда микросуғурталашни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши борасида муҳим деб ҳисоблаймиз.

### Тахлил ва натижалар

Суғурта хизматлар соҳасининг ривожланиш босқичида инновацияларни қўллаш кенг имкониятларни очиб беради. Суғурта хизматларнинг янги турлари, хизмат қўрсатиш усуслари ва технологиялари, уларнинг сотиши каналлари, янги инновацион инфратузилмани шакллантириш ва миллий молиявий бозорни ривожлантириш шароитида долзарб илмий ва амалий муаммо бўлиб қолмоқда. Суғурта асосан консерватив нуқтаи назардан шаклланади, аммо унинг ривожланиши инновацияларни доимий равишда жорий этиш билан бирга қўплаб хизмат турларини шаклланиши, уларни сотиши технологиялари ва суғурта соҳасидаги турили хил молиявий мунособатларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Суғурта соҳасида инновациялар тушунчаси бу суғурта фаолиятининг ва технологияларнинг ҳар қандай ҳамкорликдаги фаолияти тушунилади, натижада эса уларни қўллаш соҳаси кенгаяди, керакли натижага ва ўсишга олиб келади.

Суғуртада даврийлик асосида уч хил турдаги инновациялар қўлланилади:

1. Суғурта маҳсулотларини сотишини кенгайтирувчи инновациялар – қиммат суғурта турларидан хамёнбоп суғурта маҳсулотлари сотишига ўтиш, яъни суғурта маҳсулотининг оммабоплигини таъминлаш. Ушбу инновациялар (маҳсулотлар) суғурта бозорини экстенсив кенгайишига олиб келади.

2. Эришилган натижани, даражани сақлашга ёрдам берадиган инновациялар. Бунда суғурта маҳсулотларни яхшилаш, яъни ухшаш лекин кўп томонлама янгилangan ва сотиши учун қўлай маҳсулотга алмаштириш тушунилади.

3. Самарадорликни оширувчи инновациялар – бу бизнес юритища харажатларни пасайтириш ва суғурта маҳсулотларининг рентабеллигини

оширивчи (масалан интернетдан фойдаланиш сүгурта компанияларига сотиш харажатларини камайтириш имкониятини беради) инновациялар.

Бошқа олимлар эса сүгурта соҳасидаги инновацияларни кўйидаги кўринишга ажратадилар:

- маҳсулот инновациялари – янги сүгурта маҳсулотларини яратиш ёки мавжудларини такомиллаштириш;
- техник инновациялар – сүгурта компанияларида сотиш усулларини такомиллаштириш;
- технологик инновациялар – сүгурта компаниясининг фаолият юритишдаги ўзгаришлар (бизнес жараёнлар, реинжиниринг, маркетинг тадқиқотлари, таҳлилнинг янги усуллари);
- бошқарув инновациялари – бошқарув қарорларини оптималлаштиришга қаратилган фаолият йўналишларининг ўзгариши (ташкилий тузилма, вертикал ёки горизонтал, иш ҳаки, рағбатлантириш, сифат менежментини жорий этиш).

## 1-жадвал

### Сүгуртада инновацияларнинг классификацияси [3]

Тижорат	Жамиятнинг интелектуал ривожланишидан келиб чиқсан ҳолда янги сүгурта маҳсулотларини яратиш: <ul style="list-style-type: none"><li>– сүгурта компаниясининг бозордаги ўрнини сақлаш ва кенгайтириш мақсадида сүгурта маҳсулотларини яратиш;</li><li>– янги мажюрий сүгурта турларини жорий этиш.</li></ul>
Техник	Янги техника ва технологияларни ишлатиши: <ul style="list-style-type: none"><li>– интернет ва IT тизимларининг ривожланиши электрон сүгурта полисларини яратиш имконини берди;</li><li>– интернет ва IT технологияларнинг ривожланиши янги рискларни келтириб чиқарди (электрон рисклар, fishing – электрон фрибгарлик)</li></ul>
Молиявий	Молиявий соҳада янги рискларнинг пайдо бўлиши, режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишда рискларнинг ўзгариши: <ul style="list-style-type: none"><li>– олинмаган фойда;</li><li>– юридик ва жисмоний шахсларни банкрот деб тан олиш рисклари;</li><li>– ишлаб чиқаришини тўхтаб қолиш риски.</li></ul>
Ташкилий	Ташкилий инновацияларни жорий этиш бу мижозлар ва сүгурта маҳсулотларининг қўлайлигини таъминлайди: <ul style="list-style-type: none"><li>– мавжуд сүгурта маҳсулотлари доирасида қўшимча хизмат турларини жорий этиш;</li><li>– сүгурта ҳодисаси тўғрисида маълумотларни тақдиш қилишнинг соддалаштирилган тартиби (телефон ёки мобил иловалар орқали хабар бериш).</li></ul>
Ижтимоий	Янги бозорларни эгаллаш: <ul style="list-style-type: none"><li>– сүгурталанувчиларнинг маҳсус эҳтиёjlари учун сүгурта маҳсулотларни яратиш (экзотик уй ҳайвонларини, тана аъзоларининг айрим қисмларини сүгурта қилиш).</li></ul>

*Манба: Муаллиф томонидан адабиётлар таҳлили асосида шакллантирилди*

Сүгурта соҳасида инновациялар нималардан иборатлиги тўғрисида ҳозирги кунда яхлит бир фикр мавжуд эмас. Лекин сүгурта соҳасида

қўлланиладиган инновацияларни уларнинг қўлланилиш даражасига қараб маълум гурухларга бўлиш мумкин (1-жадвал).

Шундай қилиб суғурта соҳасидаги инновациялар тижорат, техник, молиявий, ташкилий ва ижтимоий янгиликларни ўз ичига қамраб олади натижада эса жамият ва давлат учун янги суғурта маҳсулоти яратилади.

Шахсий суғурта барча давлатлар каби Ўзбекистон иқтисодиётидаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш жиҳатидан муҳим стратегик соҳа саналади. Шу билан бирга унинг сифатли (манзилли) ривожланиши соҳада олиб борилаётган тадқиқотлар билан ҳам боғлик.

Ҳаётни микросуғурталаш Хитой, Бразилия, Ҳиндистон каби ривожланган мамлакатларнинг ҳаётни суғурталаш бозорларида катта эътиборга ва эътирофга сазовор бўлди. Хоржий адабиётларда микросуғурталаш – бу паст даромадли аҳолини муайян таваккалчиликлардан, эҳтимоли юз бериши мумкин бўлган ва харажатларни талаб этадиган тўловлардан молиявий ҳимоя қилиш механизmdir. Бошқача айтганда, бу - аҳолининг муайян тоифалари учун суғурта ҳимоясининг “микро” (ўртачадан паст) суғурталаш механизmlарни ёки ҳимоя воситаларини қўллашдир.

## 2-жадвал

### Ҳаёт микросуғуртасини жорий этиш моделлари [6]

Моделлар	Давлатлар	Жорий этилиши
Тўғридан-тўғри	Шарқий осиё (асосан Ҳиндистон)	Ҳаётни микросуғурталаш маҳсулотларини ишлаб чиқиш, расмий ва норасмий сотиш каналларидан фойдаланиш суғурта компаниялари фаолиятининг бир тури сифатида қаралади.
Шерикчилик	Шарқий осиё, Лотин Америкаси	Суғурта компаниялари ва микро молиялаштириш ташкилотлари, нодавлат ташкилотлари ва коопретивларнинг биргаликда суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқишидаги ўзаро фаолияти. Бунда суғурта компанияси хавфни суғурталайди қолганлар эса сотишни ташкил этади.
Нотижорат	Шарқий осиё мамлакатлари, Африка	Ўзаро суғурта жамиятлари, нодавлат, нотижорат, турли молиявий жамиятлар ва кооперативлар ўзларининг ҳаётни суғурталаш суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқаришади ва сотиш билан шуғулланишади.
Давлат ва хусусий шерикчилиги	Ҳиндистон, Хитой	Давлат-хусусий шерикчили ҳамкорлигига (суғурталовчилар, нодавлат ташкилотлари, ўзаро суғурта жамиятлари ва бошқалар) бунда давлат микросуғурта турларини давлат дастурларига ва суғуртани амалга оширишда уларнинг жорий этилишини таъминлайди.
Такафул	Мусулмон давлатлар	Суғурта компаниялари мустақил равишда ёки бошқа ташкилотларнинг ҳамкорлигига исломий шариат тамойиллари асосида ҳаётни суғурта қилиш маҳсулотларини ишлаб чиқадилар.

*Манба: Муаллиф томонидан адабиётлар таҳлили асосида шакллантирилди*

Микросуғурта соҳасида ҳалқаро амалиётда ҳаётни микросуғурталашни ташкил қилишнинг бир қатор институционал ва сотишни ташкил этиш билан боғлик моделлари мавжуд, уларнинг барчаси амалиётда турли

самарадорликни ташкил этади, бу (иқтисодий ривожланиш, инфляция, кашшоқлик, сугуртанинг ривожланиш даражаси ва бошқалар) уларнинг қайси мамлакатда ташкил этилиши бевосита боғлиқ бўлади (2-жадвал).

Бизнинг фикримизча миллий сугурта бозорида ҳаётни микросуғурталаш моделларининг “тўғридан-тўғри” ва “давлат ва хусусий шерикчилиги” моделини жорий этиш мумкин.

Ўзбекистонда ҳаётни микросуғурталашни ривожлантиришда давлат иштироки қўйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, молиявий хизматлари фойдаланиш имкониятларни оширади (аҳолининг кам таъминланган даромадли гурӯҳлари молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш), иккинчидан ҳаётни микросуғурталаш бизнес моделининг яшаб қолишига қодир кучли назорат асосларини яратишдан иборат, учинчидан истеъмолчилар ҳуқуқлариниҳомоя қилиш механизмларини ривожлантириш ва аҳоли ўртасида ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда ҳаётни сугурталашнинг энг самарали йўли ривожланган мамлакатларнинг ҳаётни сугурталаш бозорида муваффақиятли қўлланилиб келаётган ҳаётни микросуғурталаш бизнес моделларини қўллаш орқали юқори самарадорликка эришиш мумкинлигига ишонамиз. Ижтимоий сугурта тизимида ҳаётни сугурта қилишни жорий этиш давлатга бюджет юкини камайтириш имконини, бу эса сугурта рискларни микродаражада назорат қилиш имконини беради. Ҳаёт сугуртасини кенгайтириш ва ривожлантириш бу фуқароларнинг ижтимоий ва молиявий ҳимояланганлигини оширишга хизмат қиласи.

## Хулоса ва таклифлар

Юқорида иқтисодчи олимлар, мутахассисларнинг фикри, мулоҳазаси ва олиб борилган таҳлилларимизга таянган ҳолда хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, шахсий сугурта турларини миллий сугурта хизматлар бозорини ривожлантиришда ва такомиллаштиришда, сугурта мукофотлари йиғиш, аҳоли ўртасида сугурта маданиянити шакллантиришда, шунингдек сугуртанинг кенг омма орасига кириб боришида ўрни бекиёсdir. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси сугурта хизматлар бозорини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида шахсий сугуртанинг ролини ошириш, улар билан боғлиқ муаммоларни тизимли ҳал этиш, улар фаолиятининг меъёрий-хуқуқий асосаларни яратиш ва бошқаларни инобатга олиш зарурдир.

Шахсий сугурта турларини ривожлантириш қўйида йўналишларда олиб борилиши зарур:

- 1) сугурта ташкилотларининг пенсия тизимини ислоҳ қилишда фаол иштирокини таъминлаш;
- 2) нафақат жамғарив бориладиган балки ҳаёт сугуртаси учун ҳам шартшароитларни яратиш;
- 3) аҳоли учун ипотека билан боғлиқ дастурларни ишлаб чиқиш;
- 4) инвестицион сугурта турларини Ўзбекистон сугурта бозорида жорий этиш;

5) шахсий сұғурта турларини янада ривожлантириш учун шахсий микросұғурта турларини давлат шерикчилігі асосида жорий этиш.

Юқоридагиларни ҳисобға олган ҳолда юртимизда ушбу сұғурта турларини ривожлантириш учун барча шароитлар мавжуд, фақатгина бу соҳадаги тарғибот ва ташвиқот ишларини жонлантириш мақсадга мувофиқдир.

### **Фойдаланилған адабиётлар рўйхати**

1. Darius Lakdawalla, Anup Malani, Julian Reif. The insurance value of medical innovation. *Journal of Public Economics* 145 (2017) 94–102 p.
  2. Chrysovalantis Gaganisa, Iftekhar Hasanb, Panagiota Papadimitrie, Menelaos Tasioue. National culture and risk-taking: Evidence from the insurance industry. *Journal of Business Research* 97 (2019) 104–116 p.
  3. Е. В. Сорокин. Инновации в страховании жизни: инвестиционное страхование. № 3(5)/2016 *ВЕСТНИК Уральского Финансово-Юридического института*. 108-111 стр.
  4. Масленникова, Н.В. Проблемы и предложения по развитию взаимного страхования в Российской Федерации / Н.В. Масленникова // Банки, монетарное регулирование и финансовые рынки на пути к устойчивому росту экономики: монография / колл. авторов; под ред. Н.Э. Соколинской, И.Е. Шакер, Л.Н. Андриановой. – М.: РУСАЙНС, 2016. – С. 110-118.
  5. Масленникова, Н.В. Сущность и содержание системы микрострахования / Н.В. Масленникова // Новая наука: стратегии и векторы развития: Международное научное периодическое издание по итогам Международной научно-практической конференции (19 мая 2016 г., Ижевск) в 3 ч. Ч.1 – Стерлитамак: АМИ, 2016. – С. 150-152.
  6. Basanta, K. Sahu Microinsurance in India: Outreach & Efficacy // Centre for Microfinance Research. BIRD, 2014.
  7. Microinsurance at Allianz Group 2014 Full Year Report. Microinsurancenetwork.org.
- Воротилова О.А. Проблемы развития личного страхования в России. Международный журнал социальных и гуманитарных наук. – 2016. – Т. 7. №1. – С. 171-174.

